

---

## ROCAMBOL (*ALLIUM SCORODOPRASUM L.*) IS A NEW TYPE OF VEGETABLE CROP

Salomov B .S.

Research Institute of Vegetables, Rice Crops and Potatoes, Uzbekistan

e-mail: Salomov74@inbox.ru

Aramov M. Kh.

Termiz Institute of Agrotechnologies and Innovative Development, Uzbekistan

Nurmatov N. J.

Termiz Institute of Agrotechnologies and Innovative Development, Uzbekistan

### Abstract

The article presents the results of research conducted on rocambol, which is considered a new vegetable crop in the conditions of Uzbekistan. Rocambol was found to be significantly different from garlic in terms of biology, morphology, yield and other characteristics. As a result of the research, a new vegetable crop, rokambol, was isolated in the conditions of Uzbekistan, and its morphobiological properties were studied and botanically described.

**Keywords.** Garlic onion, rocambol, comparative variety, validity period, onion head, onion head index.

### Рокамболь (*Allium scorodoprasum L.*) - янги сабзавот экин тури

Саломов Б.С.<sup>1</sup>, Арамов М.Х.<sup>2</sup> Нурматов Н.Ж.<sup>3</sup>

<sup>1</sup>Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий

-тадқиқот институти, Ўзбекистон

e-mail: Salomov74@inbox.ru

<sup>2</sup>Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институти, Ўзбекистон

<sup>3</sup>Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институти, Ўзбекистон

### Аннотация

Мақолада Ўзбекистон шароитида янги сабзавот экини ҳисобланган рокамболь устида олиб борилган тадқиқотлар натижалари келтирилган. Ракомболь биологияси, морфологияси, ҳосилдорлиги ва бошқа белгилари жиҳатидан

# International Multidisciplinary Scientific Global Conference on Education and Science

Hosted Online from Warsaw, Poland on October 10<sup>th</sup>, 2022.

[www.conferencepublication.com](http://www.conferencepublication.com)

саримсоқдан сезиларли даражада фарқ қилиши аниқланган. Тадқиқотлар натижасида Ўзбекистон шароитида янги бўлган сабзавот экини рокамболь ажратилган ва унинг морфобиологик хусусиятлари ўрганилган ва ботаник тавсифланган.

**Калит сўзлар.** Саримсоқ пиёз, рокамболь, қиёсий нав, амал даври, пиёзбош, пиёзбош индекси.

Саримсоқ селекцияси учун бошланғич манба яратиш мақсадида маҳаллий нав намуналарини ўрганиш жараёнида пиёзбоши катта, ўртача вазни 72-150 г, пиёзчалар сони 5-6 та бўлган нав намунаси ажратилди. Пиёзбоши катта ва пиёзчалар сони кам бўлиши билан бир қаторда ушбу нав намунаси барглари энли, илдиз қисмида ва қуруқ пўсти қобиғи орасида кўшимча кичик пиёзчалар ҳосил қилиши ҳам кузатилди. Биологияси, морфологияси, ҳосилдорлиги ва бошқа белгиларини солиштириб ўрганилганда унинг саримсоқдан сезиларли даражада фарқ қилиши аниқланди ва у Ўзбекистон шароитида янги сабзавот экини рокамболь эканлиги аниқланди.

А.А. Казакова (1978) классификациясига кўра рокамболь (*Allium scorodoprasmum*L.) *Allium* L. авлоди, Alliaceae J.K. Agardh оиласи, *Allium* Wendelbo туркумига кирувчи сабзавот тури ҳисобланади. Рокамбольдан ташқари бу туркумга саримсоқ (*Allium sativum* L.), порей пиёзи (*Allium porrum* L.), куррат (салат) пиёзи (*Allium kurrat* Schvenf.), узум пиёз (*Allium ampeloprasum* L.), мускат пиёзи (*Allium moshatum* L.), узун ўткир учли пиёз (*Allium longicusps* Rgl.) ҳам киради.

Рокамболь баъзи мамлакатларда миср пиёзи, испан саримсоғи, пиёз-саримсоқ деб ҳам аталади. Унинг ватани Ўрта Осиё. Табиий шароитда Испания ва Мисрда ўсиши аниқланган. Ҳозир у Европада, Шимолий Кавказда, Хитой, Корея, Япония, ва қисман Россияда етиштирилади. У Ўрта Ер денгизи мамлакатлари - Испания, Турция, Греция, Миср, Мароккода жуда оммалашган, (Казакова А., 1978).

Рокамболь бир вақтнинг ўзида ҳам пиёз, ҳам саримсоқнинг таъмини беради. Кўпгина овқатларда пиёз ва саримсоқ ўрнида ишлатилади. Рокамболь пиёз ва саримсоқ белгиларини ўзида мужассамлаштирган ўтсимон ўсимлик. Унинг баландлиги сохта пояси ва гул новдаси билан бирга ҳисоблаганда 1,5 м га етади. Унинг гул тўплами шарсимон бўлиб, ранги бинафша бўлган қўнғироқчага ўхшаш кўплаб кичик гуллардан ташкил топган. Унинг барглари, сохта пояси ва пиёзбоши қимматли озиқа ҳисобланади. Барглари витаминларга, углеводларга, эфир

мойларига, оксилга, фитонцидларга, каротинга бой ва уларда пиёзга нисбатан жуда кўп аскорбин кислотаси мавжуд,

<https://www.botanichka.ru/article/vyirashhivaem-luk-chesnok-rokambol/>).

**Тадқиқотлар объекти ва услуби.** Тадқиқотларимиз объекти сифатида саримсоқнинг 2016 йилдан Ўзбекистон Республикаси Давлат реестрига киритилган Чидамли нави хизмат қилди. (Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экишга тавсия қилинган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестри, Тошкент., 2017).

Тадқиқотлар Қишлоқ хўжалик экинлари давлат нав синови методикаси (М., 1975); Дала тажрибалари методикаси (Доспехов, 1985); ОСТ 46-71-78 (М., 1978) каби услубий кўрсатмалар асосида олиб борилди.

Тадқиқотларимизда рокамболь пиёзчалари саримсоқнинг Чидамли нави билан биргаликда 20 сентябрда экилди. Тажриба тўрт қайтариқли, бўлмача майдони 10,1 м<sup>2</sup>.

Экишдан униб чиқишгача бўлган давр 19 кунни ташкил этди (табл.1). Ўсув даври, яъни пиёзчалар униб чиққандан пиёзбошларнинг техник пишиб етилишигача қиёсий Чидамли навида 221 кунни, рокамбольда эса 242 кунни ташкил этди, яъни рокамболь 21 кун кеч пишиб етилди.

**Таблица 1.**

**Рокамбольнинг ривожланиш фазаларининг давомийлиги (2020-2021 йй.)**

Название образца	Посадка массовое появление всходов, дней	От массовых всходов, дней				Вегетационный период, дней
		до появления соцветий	до пожелтения стеблей	до технической спелости луковиц	до уборки урожай	
Чидамли, контроль	19	194	213	221	227	221
Рокамболь К-24	19	194	232	242	242	242

Тадқиқотларимизда сохта поя баландлиги гул новда билан қўшиб ҳисобланганда саримсоқда 74 см ни, рокамбольда эса 106 см ни ташкил этди. Ушбу ўзгарувчанлик гул новда ҳисобига тўғри келади.

Саримсоқда гул новда узунлиги 27 см ни ташкил этди. Ушбу кўрсаткич рокамбольда 46 см ни ташкил этиб, саримсоқ гул новдасига нисбатан 19 см га узун бўлганлиги кузатилди.

Барг сони, узунлиги бўйича саримсоқ ва рокамболь ўртасида кескин фарк кузатилмади ва унинг сони 8,8-9,0 донани, узунлиги 43-44 см ни ташкил этди.

Саримсоқ ва рокамболь экинлари барг эни бўйича бир биридан кескин

фарқ қилади. Барг пластинкасининг эни саримсоқ Чидамли навида 3,0 см ни, рокамбольда эса 5,0 см ни ташкил этиб, саримсоққа нисбатан 2,0 см га кўп бўлди. Бу иккала экин ўртасидаги фарқ пиёзбош вазни, пиёзчалар сони ва уларнинг ўлчамларида жуда яққол кўзга ташланади (табл.2). Рокамбольда пиёзбош баландлиги 4,9 см ни, диаметри эса 6,2 см ни ташкил этди ва бу саримсоққа нисбатан мувофиқ равишда 0,6 ва 1,0 см га кўп демакдир.

**Таблица 2. Рокамбольнинг пиёзбош ва пиёзчалар тавсифи (2020-2021 йй.)**

Название образца	Луковица				Количество зубков, шт	Масса одного зубка, г
	высота, см	диаметр, см	Индекс	масса, гр		
Чидамли, контроль	3,9	5,6	0,7	62	14	4,2
Рокамболь К-24	4,9	6,2	0,8	106	5,5	19,0

Рокамболь пиёзбош вазни ўртача 106 г (58-150 г) ни ташкил этди ва саримсоққа нисбатан 44 г га кўп бўлди.

Энг муҳим белгилардан яна бири-пиёзбошдаги пиёзчалар сони ҳисобланади. Пиёзбошда пиёзчалар сонининг кам бўлиши ва уларнинг катта бўлиши янги навларга қўйиладиган талаблардан биридир. Пиёзбошдаги пиёзчалар сони саримсоқда 13-14 та ни ташкил этади. Рокамбольда ушбу кўрсаткич 5-6 та бўлганлиги кузатилди. Битта пиёзчанинг ўртача вазни саримсоқда 4,2 г ни ташкил этди. Рокамбольда эса ушбу кўрсаткич 19,0 г бўлиб, саримсоққа нисбатан 452,3 % ни ташкил этди.

Тадқиқотларимизда саримсоқ ва рокамбольнинг умумий ҳосилдорлиги жихатидан турли-туман эканлиги маълум бўлди (табл.3). Саримсоқда ҳосилдорлик 27,0 т/га ни ташкил этган бўлса, рокамбольда ушбу кўрсаткич 44,0 т/га етди. Рокамболь саримсоқнинг Чидамли навига нисбатан 63,0%га юқори ҳосил берди. Умумий ҳосилнинг 100 % и товарбоп ҳисобланди.

**Таблица 3. Саримсоқ ва рокамболнинг ҳосилдорлиги (2020-2021 йй.)**

Название образца	Урожайность, т/га					
	общая	в % к стандарту	товарная	в% общей урожайности	нестандартный урожай, т/га	в % к общей урожайности
Чидамли, контроль	27,0	100	25,2	93,3	1,8	0,7
Рокамболь К-24	44,0	163,0	44,0	100,0	-	-
НСР 05, т/га	0,51					
Sx,%	0,25					



Расм. Рокамболь пиёзбошлари, пиёзчалари ва илдизида ҳосил бўладиган жуда кичик пиёзчалари.

Рокамбольнинг илдиз системасида ва қуруқ пўсти қобиғи ораларида 10-25 та гача қўшимча ўлчамлари жуда кичик пиёзчалар ҳосил қилади (Расм). Бу пиёзчалар саримсоқнинг ҳаво пиёзчаларига (воздушные бульбочки) ўхшаб кетади ва экилганда биринчи йили кўп ҳолларда бир бутун пиёзбошлар ҳосил қилади. Рокамболь пиёзбошлари сақлашга яроқлилиги билан ҳам ажралиб туради. Унинг пиёзбошлари ҳосил йиғилгандан кейинги йили феврал-март ойларигача яхши сақланиши кузатилди.

Рокамбольнинг кўпайиш коэффиценти 5-6 га тенг бўлиб, бу уни кўпайтиришда маълум қийинчиликларни келтириб чиқаради. Шунга қарамасдан рокамболь Ўзбекистон сабзавотчилигида ўз ўрнини топади деган фикрдамиз. Кейинги тадқиқотлар рокамбольнинг янги навини яратиш, уруғчилик тизимини ишлаб чиқиш, биохимиявий таркибини ўрганиш ва ишлаб чиқаришга тадбиқ қилишга қаратилади.

Тадқиқотлар натижасида Ўзбекистон шароитида янги бўлган сабзавот экини рокамболь ажратилди ва унинг морфобиологик хусусиятлари ўрганилди ва ботаник тавсифланди.

Саримсоқ ва рокамбольнинг ҳосилдорлиги ва ҳосил сифати жихатидан турли-туман эканлиги маълум бўлди.

Саримсоқда ҳосилдорлик 27,0 т/га ни ташкил этган бўлса, рокамбольда ушбу кўрсаткич 44,0 т/га етди.

Энг юқори товарбоп ҳосилдорлик ҳам рокамбольда кузатилди ва 44 т/га ни ташкил этди. У саримсоққа нисбатан 63 % юқори ҳосил берди ва ҳосилнинг 100 % товарбоп ҳисобланади.

# International Multidisciplinary Scientific Global Conference on Education and Science

Hosted Online from Warsaw, Poland on October 10<sup>th</sup>, 2022.

[www.conferencepublication.com](http://www.conferencepublication.com)

---

## Литература

1. Государственный реестр сельскохозяйственных культур рекомендованных к посеву на территории республики Узбекистан, Ташкент., 2017. -51 с.
2. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. М., 1985. 35 с.
3. Методика Государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур. Москва., 1975. Вып. 4.-С.49-50.
4. ОСТ 46-71-78. - Этап I. - М. -ВНИИССОК. - 1978. -С. 97-111.
5. <https://www.botanichka.ru/article/vyirashhivaem-luk-chesnok-rokambol/>